

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқishi ҳолати ҳақда газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз уланishларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда қўздан кечириб чиқishi;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймашлик;
- газ етказиб берувчи вакиллари ва “ўзнефтегазспекция” ходимларининг (тегишли тувохнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин қўздан кечиришни таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрламида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмоллини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўқинлик килувчи ҳаракатларни амалга оширмашлик, уларнинг касдан бузилишига йўл қўймашлик ва ўрнатилган таъмиларнинг бутунлигини таъминлаш;
- табиий газ истеъмоллини хисобга олиш приборлари ишдаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.
- Газ тармоғи бўлиниши четарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмоллини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПТХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган хисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатилиш.
- 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:
  - етказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табиий газни истеъмоллини хисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлигини текшириш учун комиссия ташқил этиш;
  - табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда қўзда тутилган сифатда ва етказиб берилиш режимида рию қолган ҳолда узатилиши;
  - табиий газни етказиб берилиш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
  - табиий газни етказиб берилиш шартномасини конун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
  - табиий газни етказиб берилиш тўхтатиладда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
  - газ етказиб берилиш вақтинча тўхтатишни.
- Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

#### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб берилиш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлик етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.
- Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлик етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:
- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
  - б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
  - в) конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

4.12. Хисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмоллини хисобга олиш прибордан кўрсаткичларини ёзиб олиш (ПТХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган метрлар буйича хисоб-китоб қилинадиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмоллини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олингандан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойна учун газ етказиб берилиш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган газ етказиб берилиш-қабул қилиш далолатномасига асосан истеъмолчига электрон хисоббарак-фактура юборилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун хисобот даврида газни етказиб берилиш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

- а) газни хисоблаш прибори хотирасидан хисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
- б) Истеъмолчи тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш четарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи хисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнанинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойна учун газ етказиб берилиш ва қабул қилиш далолатномасини берувчи қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнаатади. Расмийлаштирилган газ етказиб берилиш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон хисоббарак-фактурани қабул қилади.

4.16. Табиий газни етказиб берилиш-қабул қилиш далолатномасини имзоламашлик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойна тутагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вақилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишимчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчилдан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узатиб қўйилгандан сўнг ўзбошимчилик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узатиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир сутқада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши хисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақдаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мажкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов қунидан бошлаб қўпи билан кейинги 1 ой қўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.